

ланадиган нуклеин кислоталар, муаллифи – олим учун табиат, фозил учун – Холик. Ажабо: тирик мавжудотнинг ҳар бир хужайрасига китоб жойланган.

42. Жордано Бруно ўтда ёна бошлаганида «Ох» демади, лекин кимдир китобини оловга ташлаганда чидай олмади.

43. Ижод қилолмайдиган цивилизация қўлмак сувдай айнийди. Китоб ўқимайдиган цивилизация оқиши мумкин. Лекин оқава ҳам оқади-да.

44. Бир кун келиб Қуёш сўнади, Ерда ҳаёт

барҳам топади, ўшанда инсониятдан коинот узра тарқалган Китобларгина қолади.

45. Валлоҳу аълам, жаннатдагиларнинг қўчилиги китоб ўқиганлар бўлиб чиқар, уларнинг сеvimли машғулоти ҳам китоб ўқиш бўлса ажаб эмас.

46. Бу Китобларни ўқиганмисиз? – Офарин. Сиз билан баҳслашмайман, чунки сиз ҳақсиз. Бу Китобларни ўқимаганмисиз? Афсус. Сиз билан баҳслашмайман, чунки сиз ҳақиқат нима эканлигидан ғофилсиз.



*Умида ТЕШАБОЕВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси директор уринбосари*

АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси 2015 йил 22 – 25 апрель кунлари “Фан, таълим, маданият ва бизнесда ахборот-кутубхона ресурслари” мавзuidaги IX Халқаро конференцияни ташкил қилди.

Конференцияда республика ахборот-кутубхона инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий босқичлари, ахборот-кутубхона муассасалари, архивлар ва музейларда ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти муҳокама қилинди. Шунингдек, мазкур соҳалар бўйича халқаро тажрибалар билан ўртоқлашинди.

Анжуманда фан, таълим, маданият ва иқтисодийнинг ривожланишида ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни жиддий равишда ўсиши билан биргаликда хорижий илмий-таълимий электрон базалар ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича электрон ресурслар, ахборот-кутубхона тармоқларини, муассасалар кооперациясини ташкил этиш долзарб масалага айланаётганлиги қайд этилди.

АҚШ, Озарбайжон, Беларуссия, Буюк Британия, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон, Уммон, Россия, Туркия, Украина, Чехия каби мамлакатлардан 30 дан зиёд мутахассислар иштирок этган бу йилги конференция ишида 75 дан зиёд маърузалар тингланди ҳамда 3 та семинар-тренинг, давра-суҳбати, маҳорат дарси ташкил қилинди. Шу билан бирга, анжуман иштирокчилари Халқ таълими вазирлиги “Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази”, Вестминстер университетининг Тошкент филиали ахборот-ресурс маркази фаолиятлари билан танишиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Уч кун давом этган конференциянинг якуний хужжати яқдиллик билан қабул қилинди. Унда Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро Кенгаш ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Республика методик кенгаши ўз фаолиятида ахборот-кутубхона муассасаларига эга бўлган манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек “Ўзархив” агентлиги, Интел-

лектуал мулк агентлиги билан биргаликда бир қатор тадбирларни ўзининг асосий вазифалари сирасига киритишлари зарурлиги қайд этилди. Бу вазифалар ҳамкасбларимизнинг фаолиятлари учун муҳим эканини назарда тутиб, қуйида уларни келтириб ўтамиз.

1. “Нашрларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида”ги қонун лойиҳасини, ахборот-кутубхона ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини, “Имкониятлари чекланган кишиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

2. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг объектлари ҳисобланган рақамланган босма ахборот-кутубхоналарга тегишли бўлган муаллифлик ҳуқуқларини тартибга солиш мақсадида “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида махсус ваколатли давлат органини қабул қилиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритиш (“Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси. Ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида давлат бошқаруви).

4. Республика ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, шунингдек кутубхоналари фаолиятини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш (Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-кутубхона маркази тўғрисидаги намунавий низомни тас-

диқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-ресурс маркази тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси) (Қонуннинг 6-моддаси. Ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари).

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-кутубхона муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун киритиш (Қонуннинг 6-моддаси. Ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, 15-моддаси. Ахборот-кутубхона муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш).

6. “Ахборот-кутубхона фондларини ахборот-кутубхона муассасаларининг фондларидан чиқариш тартиби тўғрисида”ги норматив ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун киритиш (Қонуннинг 18-моддаси. Ахборот-кутубхона фондини ҳисобга олиш, қайта ишлаш, жойлаштириш, сақлаш ва фойдаланиш).

7. “Ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-кутубхона фондлари сақланиши тўғрисида”ги норматив ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун киритиш (Қонуннинг 18-моддаси. Ахборот-кутубхона фондини ҳисобга олиш, қайта ишлаш, жойлаштириш, сақлаш ва фойдаланиш).

8. “Ахборот, кутубхона ва ноширлик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона ресурслари. Каталоглаштириш қоидалари”.

9. Имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишни кенгайтириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

10. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона муассасалари ходимларини, шу жумладан хорижий кутубхоналарга стажировкаларни ташкил этган ҳолда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича идоралараро қарор ва дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан бажарилиши зарур бўлган масалалар ҳам ёритилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Нодир, алоҳида қим-



матли ва ноёб нашрлар сақланишини таъминлаш, уларнинг фондини тизимли кўпайтириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 9 июлдаги 202-сон қарорини амалга ошириш ишларини босқичма-босқич давом эттириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корея Республикасининг Иктисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси билан молиявий ҳамкорликда миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 17 декабрдаги ПҚ-2088-сон қарорини амалга ошириш ишларини тугаллаш;

Миллий кутубxonанинг веб-сайти имкониятларини кенгайтириш ва кейинчалик уни республиканинг ахборот порталига айлантириш;

диссертациялар материаллари билан эркин танишиш мақсадида диссертацияларнинг муаллифлари билан шартномалар тузиш ва уларнинг электрон шаклини кутубхона сайтида жойлаштириш;

кутубxonашунослик, библиографшунослик ва китоб юритиш, шунингдек ахборот-кутубхона жараёнига янги ахборот технологияларини жорий этишнинг технологик, педагогик ва

психологик жиҳатлари билан боғлиқ соҳаларда тадқиқотлар ўтказишни кенгайтириш ва бошқалар.

Ўйлаймизки, нуфузли халқаро анжуманининг якуний ҳужжатидан жой олган ушбу вазифаларни бажариш соҳамиз тараққиётида янги кадам бўлиб қолади.

Халқаро конференция давомида маданий дастур ҳам амалга оширилиб, иштирокчилар мамлакатимизнинг энг қадимий ва навқирон шаҳарлари ҳисобланмиш Самарқанд ва Хивани зиёрат қилдилар. Пойтахтнинг маданий ҳаёти билан танишдилар.

Конференция кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубxonаси ташкил этилгани (1870 й.)нинг 145 йиллигига тўғри келгани анжуманга байрамона руҳ бағишлади. Илик ва самимий табрик сўзлари бизни кутубхона фойдаланувчиларига янада яхшироқ хизмат кўрсатишга қанотлантурса, юртдошларимиз ва ҳорижий меҳмонлар томонидан тухфа қилинган китоблар, аудио ва видео материаллар, эсдалик совғалари келажакда ташкил этиладиган Кутубхона музейининг экспонатлари қаторидан ўрин олишига шак-шубҳа йўқ.

